

## PROSPECTS FOR THE USE OF THE TOURIST POTENTIAL OF THE SAMARKAND REGION

**Makhmudov Sobir Khudoyberdievich**

Samarkand Medical University

"Social and humanities"

chair teacher

Samarkand

**Annotation:** this article presents reforms to improve the efficiency of the use of tourist activities of the Samarkand region.

**Keywords:** tourism, income, tourist resources, tourist fair, labor productivity, employment, tourist potential.

Статистика маълумотларига кўра, 2019 йил давомида Ўзбекистонга 6 748 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 5 346 200 кишини ташкил қилган. Уларнинг орасидан аксарият, яъни 51,3 фоизни 31-55 ёшдаги кишилар (2018 йилда 52,1 фоиз), 20,2 фоизини 55 ёш ва ундан катталар (2018 йилда 19,4 фоиз), 19,5 фоизини 19-30 ёшдагилар (2018 йилда 20,4 фоиз) ва 9,1 фоизини 0-18 ёшлилар (2018 йилда 8,1 фоиз) ташкил қилади. Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 5 764 500 кишига етган. МДХ мамлакатларидан келганлар сони 495 600 кишини ташкил қилган. Узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар сони эса 488 400 минг кишини қайд этган. Сайёҳларнинг аксарияти Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон каби давлатлардан ташриф буюрган. Ўзбекистонга ташриф буюрганлар орасида қариндош-уруғ ва дўстларини кўришга келганлар сони 81,8 фоиздан иборат бўлган бўлса, дам олиш учун келганлар 15,5 фоизни ташкил этган. Бошқа сабаблар, жумладан даволаниш, харидлар, бизнес учрашувларда иштирок этиш ҳамда таълим олиш мақсадида келган хорижликлар сони 2,7 фоизни қайд этди. 2019 йил якунига кўра, туристик хизматлар экспорти кўрсаткичи 1 млрд 313 млн АҚШ долларини ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан (2018 йилда 1 млрд 041 млн) 26,1 фоизга ўсиш қайд этилди. Жойлашув воситалари сони жами 1188 тадан иборат бўлган бўлса, шундан 833 таси – меҳмонхоналар, 214 таси – хостеллар ва 141 таси бошқалар. Ҳудудлар кесимида жойлашув воситаларининг юкланиш даражаси куйидагича: Қорақалпоғистон Республикаси – 62,6 фоиз, Андижон вилояти – 65,0 фоиз, Бухоро вилояти – 96,6 фоиз, Жиззах вилояти – 52,5 фоиз, Қашқадарё вилояти – 61,0 фоиз, Навоий вилояти – 74,3 фоиз, Наманган вилояти – 40,6 фоиз, Самарқанд вилояти – 82,3 фоиз, Сирдарё вилояти – 64,4 фоиз, Сурхондарё вилояти – 68,8 фоиз, Тошкент вилояти – 76,1 фоиз, Фарғона вилояти – 42,7 фоиз, Хоразм вилояти – 81,5 фоиз, Тошкент шаҳри – 85,7 фоиз. Мамлакат туризм салоҳиятини дунё жамоатчилиги орасида кенг тарғиб этиш мақсадида АҚШ, Япония, Германия, Италия, Хитой, Индонезия, Россия ва бошқа мамлакатлардан Оммавий ахборот воситаларининг 160 дан

ортиқ вакилларининг ташрифи ташкиллаштирилди. Анъанавий тарғибот усуллари билан бир қаторда замонавий тарғиботнинг замонавий усулларида фойдаланилмоқда, хусусан, 2019 йил 17-21 декабрь кунлари Токио (Япония) шаҳридаги Сибуя майдонида Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи видеоролик намойиш этилди. Ўзбекистонга сайёҳларни жалб этишда турли оммавий-маданий кўнгилочар тадбирлар аҳамиятини ҳисобга олиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда турли оммавий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, биринчи мартаба ташкил этилган Зиёрат туризми форуми (Бухоро вилояти), Бахшичилик санъати фестивали, Археология форуми (Сурхондарё вилояти), Баҳодирлар ўйини (Хоразм вилояти), “Мўйноқ” авторалли, “Стихия” мусиқа фестивали (Қорақалпоғистон Республикаси), МДХ туризм ярмаркаси, (Самарқанд вилояти), Геотуризм форуми, Анор фестивали (Қашқадарё вилояти), Электрон мусиқа фестивали, Гастрономик фестиваль, “World Influencers Congress” (Тошкент шаҳри) каби йирик тадбирлар ўтказилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган МІСЕ-туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси доирасида ҳудудлардаги МІСЕ-тадбирлар учун салоҳиятли объектлар ўрганиб чиқилиб, уларнинг ягона реестри шакллантирилди ва “Meetings & Events Catalogue” каталоги ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ҳозирда шу каби тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида Кўмита тузилмасида Конгресс ва кўрғазмалар маркази ташкил этилмоқда.

**Самарқанд шаҳрида МДХ мамлакатлари туризм кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳамда биринчи туристик ярмаркаси ўтказилди.**

Тадбир дастурига кўра, ҳамдўстлик давлатлари, халқаро ташкилотларнинг шу соҳа бўйича масъуллари бир кун Самарқанд шаҳридаги туристик объектлар, тарихий-маданий ёдгорликлар бўйлаб саёҳат қилди. Йўналиш катта эмас эди – Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибиҳоним масжиди, Улуғбек расадхонаси, “Конигил-мерос” қоғоз ишлаб чиқариш устахонаси ва бошқа ўнга яқин маскан. Меҳмонлар кун давомида ушбу объектлар билан танишгач, Самарқанддаги тарихий обида ва муқаддас қадамжоларнинг ҳар бирини бир кун томоша қилиш мумкин экан, дейишди. Бундай фикрни аввал ҳам кўп эшитганмиз. Ёки хорижга бориб келган юртдошларимиз саёҳатга борган жойларидаги музей ёки тарихий масканни томоша қилиш учун бир кун вақт ажратилганини айтишган. Бундай дастур, аввало, турист учун саёҳатдан кўпроқ завқ олиш, унутилмас таассуротларга эга бўлишда қулай имконият. Иккинчи томондан, сайёҳларнинг бир неча кун меҳмон бўлишидан ўша юрт иқтисодиёти ҳам яхшигина фойда кўради.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти жаҳоннинг туризм ривожланган давлатларидан кам эмас. Яъни, бизда бориб кўриш, зиёрат қилиш, завқ олиш мумкин бўлган туристик объектлар кўп. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби тарихий шаҳарларимиздан ташқари, мамлакатимизнинг бошқа исталган ҳудудида экологик туризм, агротуризм,

зиёрат туризми, гастрономик туризм ва бошқа йўналишларни ривожлантириш имкониятлари бор.

Бугун дунё мамлакатларида кузатилаётган туризмни ривожлантириш орқали иқтисодиётни мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш тенденцияси кейинги йилларда бизнинг юртимизда ҳам яққол намоён бўла бошлади. Президентимизнинг мазкур тармоққа бўлган алоҳида эътибори натижасида Ўзбекистоннинг бой туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида жумладан Самарқанд вилояти ҳудудида жуда кўп тарихий-маданий туризм объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият қисми туристик фаолиятга турли сабабларга кўра жалб этилмаган. Расмий маълумотларга биноан бугунги кунда Ўзбекистонда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шулардан фақат 500 таси туризм маршрутларига киритилган<sup>1</sup>. Демак, жами маданий объектларнинг 6 фоизи туристик мақсадларда фойдаланилган, қолган 94,0 фоизи эса талабдан четга қолиб келмоқда. Келажакда туризм маршрутларга киритилган объектлар сонини кўпайтириш ҳисобидан мамлакат туристик салоҳиятини юксалтириш муҳим стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Туризмнинг ресурс салоҳияти таркибида унинг фаол ҳамда нофаол қисмларни ажратиш туризмни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда бир қатор амалий натижаларга эришиш имконини беради. Биринчидан, туризмнинг ресурс салоҳиятидан қай даражада самарали фойдаланилаётганлиги хусусида аниқ маълумотга эга бўлиш имконини беради. Иккинчидан, туризмни туристик ресурсларни фаол жалб этиш асосида келажакда туризмни ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни баҳолаб беради. Учинчидан туризмни жадал ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Zarafshon газетаси 2020 йил 25-январ.

Туристтик ресурсларни аниқланганлик даражасига қараб ҳам 2 турга ажратиш мумкин: аниқланган ва аниқланмаган. Соҳа мутахассисларининг илмий изланишлари натижасида янгидан-янги, тарихий-маданий объектлар кашф этилади, уларнинг ҳисобидан туристик ресурслар ҳажми кенгайиб, мазмунан бойиб боради.

Тарихий обида ва ёдгорликларнинг ҳолатига қараб барча туристик ресурсларни тикланадиган ва қайта тикланадиган турларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Айрим объектлар ўз вақтида амалга оширилган қурилиш ишлари сифатининг пастлиги шунингдек, узоқ йиллар давомида табиатнинг таъсири (зилзила, иқлимдаги ҳаво ҳарорати ўзгаришлари ва ҳоказолар) остида қисман ёки тўла қайта тиклаш мумкин объектлар аниқланиб, уларда таъмирлаш ва қайта таъмирлаш (реконструкция) ишларини амалга ошириш лозим.

Бизнингча, тарихий –маданий объектларни самарадорлигини аниқлаш агарда у бир неча асрга тааллуқи бўлиб ва уни қуриш ишлари билан боғлиқ сарфларни ҳисобини юритиш имкони бўлмаса самарадорликни мутлоқ кўрсаткичларда ҳисоблашни тавсия этамиз. Бунда тарихий-маданий объектга ташриф буюрувчилар сони ҳисоблаб чиқилади. Уни тиклаш ва ободонлаштириш учун сарфлар ҳисобга олинмайди. Гарчанд, ушбу усул тарихий-маданий объектнинг самарасини ҳисоблашнинг оддий усули бўлсада, ушбу объектга ташриф буюрувчиларнинг камайиб ёки кўпайиб бораётганини англатади. Ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётган бўлса тарихий-маданий туристик объект самара бераётганини билдиради. Аксинча бўлса, тарихий-маданий туристик объект самара бермаётганини англатади. Тарихий-маданий туристик объектларнинг самараси фақатгина ундан тушаётган даромад ёки ташриф буюрувчилар сонининг кўпайиши билан эмас балки аҳолининг тарихий-маданий объектларни асраб-авайлаш, тарихни билишга қизиқиш ортиб бориши билан ҳам билиш мумкин.

Илмий ишларда туристик салоҳиятни қуйидаги мезонлар билан баҳолашни таклиф этишган:

Биринчиси, соҳадаги меҳнат ресурслари салоҳияти (меҳнат ресурслари таркибида олий маълумотлилар, ўрта махсус маълумотлилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар);

Иккинчиси, модий-техник базаси (технологиялар, электрон қурилмалар, транспорт воситалари) ва молиявий салоҳияти (ўз маблағлари);  
Учинчиси, ахборотлар билан таъминланганлик даражаси (маркетинг тадқиқотлари ҳолати, соҳа тўғрисидаги энг муҳим ва қизик маълумотлар)<sup>2</sup>.

Самарқанднинг ўзига хос бетакрор мўъжизалари, Шарқ ва ғарбнинг турли ўлкаларидан Самарқандга ташриф буйурган элчи, сайёҳ, ва ёзувчиларни мафтун қилган. Жумладан, хитой сайёҳи Сюань Цзян, испан элчиси Клавихо, француз ёзувчиси Жюль Верн, итальян драматурги Карло Гоцци, немис ёзувчиси Томас Манн, украин адиби Иван Ле ўз асарларида Самарқанд тўғрисида илиқ фикрлар билдирганлар.

Самарқанд бугунги кунда сайёҳларни нафақат бир неча асрлик тарихий обидалари билан, балки бетакрор табиат манзараларидан завқ олиб, мазмунли дам олиш, сайр қилиш, миллий урф-одат ва анъаналар билан яқиндан танишиш, шарқ ширинликлари, сархил мева-сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотларидан татиб кўриш, шарқона бозорларда харидларни амалга ошириш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, даволаниш ва бошқа имкониятлар мавжудлиги билан ўзига ром этмоқда. Айни пайтда вилоятимизда 541 та туристик объект, 157 та туроператорлик субъекти мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 6100 нафар меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга 131 та меҳмонхона ва 93 та меҳмон уйи фаолият кўрсатмоқда. 209 та туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари, 230 нафар ҳамроҳ-таржимонлар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Яқин йилларгача сайёҳлар учун таклиф этиладиган йўналишлар асосан Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ва музейлар билан чекланарди. Лекин бугун вилоятда туризмнинг тарихий-маданий, зиёрат, экологик, гастрономик, маданий-маърифий, археологик, соғломлаштириш ва агротуризм йўналишлари жадал ривожланиб, йил сайин улардаги объектлар кўпайиб бормоқда.

Жумладан, кейинги йилларда зиёрат туризми маршрутига Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг бошқа туман, шаҳарларидаги Ислом Каримов мақбарамажмуаси, Хўжа Абду Дарун, Хўжа Абду Берун, Хўжа Исҳоқи Вали, Абдурахмон ад-Доримий, Шайх Худойдоди Вали, Саид Иброҳим Ибн Имоми Мусои Қозим зиёратгоҳлари кўшилди.

<sup>2</sup> Тхамитлокова Ю.О. Ресурсный потенциал туристско-рекреационной сферы: формирование, оценка и инструменты развития. 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (рекреация и туризм) АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Нальчик – 2017.

Экологик туризм йўналишига қўшилган Жомбойдаги Зарафшон миллий боғи, Самарқанд туманидаги Оҳалик ва Миронкул тоғли қишлоқлари, Ургутдаги Тахтақорача довони ва Бешкон, Омонқўтон, Қоратепа қишлоқларидаги сув омборлари ва ғорлар, тоғли худудлар, Нуробод туманидаги Сазағон, Анжирли, Жом, Ибройим ота аҳоли яшаш масканларидаги рекреацион худудлар, Қўшрабботнинг Пангат, Қизилбел, Қоратош, Жонбулоқ қишлоқларидаги булоқлар атрофи, Фозилмон давлат ўрмон хўжалиги сайёҳларга манзур бўлмоқда. Ушбу объектлар атрофида сервис шохобчаларининг ташкил этилгани худуд аҳолиси бандлигини таъминлаш ва уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлапти.

Шунингдек, Зарафшон миллий боғида ташкил этилган экотуризм маскани, Самарқанд туманининг Бўзи маҳалласидаги “Chinaras” агро-эко туризм худуди, Кониғил маҳалласидаги миллий кулолчилик буюмлари устахонаси ҳам сайёҳлар билан гавжум бўлмоқда.

Шу пайтгача Самарқанд гастрономик туризм маршрути асосан “Самарқанд нонлари” ва “Қовун сайли”дан иборат бўлса, эндиликда улар қаторига “Палов сайли”, “Шарқ ширинликлари”, “Кишмиш”, “Silk Road Bazaar” фестиваллари, “Новвот сайли”, “Кабоб сайли” ва бошқа шу каби тадбирлар қўшилди. Эътиборлиси, мазкур фестиваллар фақатгина Самарқанд шаҳрида эмас, бошқа туман ва шаҳарларда ҳам ўтказилмоқдаки, бу вилоятнинг барча худудларида туризмни ривожлантириш учун кенг йўл очмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Самарқандга хориждан келаётган сайёҳларнинг кўп қисми халқимизнинг бой санъати ва маданияти, бетақроп фольклор ва этнографик асарларимизга, миллий халқ ўйинларимизга ҳам жуда қизиқади. Шундан келиб чиқиб, маданий-маърифий туризм маршрутига “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Регистон майдонидаги Шердор ва Мирзо Улуғбек мадрасаларида фольклор гуруҳларининг концерт дастурлари, туманларда “Чавқи”, “Бешқарсак”, “Сарбози” фольклор жамоаларининг чиқишлари, Регистонда 3D шоуси, “Эл-мероси” миллий маданий театри, “Улоқ-кўпкари” ўйинлари, алла айтиш, чақалокни бешикка белаш маросимларини намойиш этиш қўшилди.

2019 йилда Самарқанд туризм йўналишларига янги – таълим туризми киритилди ва бунда энг оммалашган ва сайёҳларни ўзига жалб қилган маскан Пайариқ туманида бунёд этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби бўлди.

Айниқса, халқаро марказдаги музей ва ундан ўрин олган тарихий экспонат ва ашёлар, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли хронологик тарзда акс этирилган суратлар ҳар бир сайёҳни ўзига ром этиб, ҳайратини ошириши табиий. Шу боис бугун Самарқандга келадиган, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қиладиган ҳар бир инсон мазкур марказ ва музейга бориш истагини билдирмоқда.

Самарқандда туризм соҳасида олиб борилаётган ишлар, сайёҳлар учун янги йўналишлар, янги хизматлар жорий этилганини дунё мамлакатларига маълум қилиш, хориждаги сайёҳлик фирма ва компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳам соҳа тараққиётида муҳим омил саналади. Шу сабабли Самарқанд вилояти ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, вилоят туризмни ривожлантириш департаменти масъул ходимлари ва вилоятдаги туристик компаниялар вакиллари турли мамлакатларда ўтказилаётган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2019 йил Испанияда “FITUR-2019”, Туркиядаги “EMITT-2019”, Россиядаги “MITT-2019”, Германиядаги “ITB BERLIN-2019”, Латвиядаги “Balttour-2019”, Бирлашган Араб Амирликларидаги “Arabian travel market” халқаро туристик кўргазмаларида Самарқанднинг сайёҳлик салоҳияти ва имкониятлари ҳақида тақдимотлар ўтказилди. Шунингдек, хорижий давлатларнинг телеканаллари ижодкорлари Самарқандга келиб, махсус кўрсатувлар тайёрлади.

Эътиборлиси, 2019 йилда Самарқанд Жаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерацияси (WTСF) аъзолигига қабул қилинди. Демак, энди Самарқанд ҳақиқатдан ҳам дунё туризм шаҳарлари орасида ўз ўрнини топиб, йирик сайёҳлик марказига айланиши шубҳасиз.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// Zarafshon. 2020 йил 25-январ
2. Расул Ҳодизода. Самарқанднома. Тошкент-2011 йил
3. Тхамитлокова Ю.О. Ресурсный потенциал туристско-рекреационной сферы: формирование, оценка и инструменты развития. 08.00.05 – экономика и управление народным хозяйством (рекреация и туризм) АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Нальчик – 2017.
4. М.Т.Алиева, М.О.Тарикулов. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма.- ТДИУ, 2012
5. З.Д.Адилова, Т.Б. Содиқов. Ҳалқаро туризм бизнеси.- Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2009 й.
6. О.Хамидов, А.Аблакулов. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2011й.
7. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари 2019 йил.